# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 февраль, № 35 (5709) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 февраль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё бўйича қуйи қўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хиггинсдан иборат делегацияни қабул қилди.**





Америкалик қонун чиқарувчилар гуруҳи мамлакатларимиз парламентарийлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар доирасида Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, айни вақтда мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларни қамраган ҳамда миллий манфаатлар инобатга олинган, муштарак вазифаларни бажаришга қаратилган истиқболли икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади.

Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узоқ муддатли Ўзбекистон — АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, илғор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Учрашувда узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш икки давлат ва халқларимизнинг туб манфаатларига мос келиши таъкидланди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида кўрсатаётган ёрдами АҚШ томонидан юксак қадрланишини қайд этдилар.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Япония Инсон ресурслари ва саноатни ривожлантириш уюшмасининг Токиодаги бош қароргоҳида “Ўзбекистон саноат корхоналарининг раҳбарлари учун корпоратив менежмент” ўқув дастури ниҳоясига етгани муносабати билан тадбир уюштирилди.*

# Япония тажрибаси билан танишув

**Уюшма президенти Казуо Канеко** иштирокчиларни қутлар экан, ўзбекистонлик ёш мутахассислар ва саноат корхоналари раҳбарларининг касбий малакасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон — Япония қўшма лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Кунчиқар мамлакатга расмий ташрифи чоғида имзоланган келишувлар доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади.

Унинг айтишича, муваффақиятли ниҳоясига етган ўқув дастури доирасида Ўзбекистон вакиллари ўз билимларини оширишлари баробарида, ишбилармонлик соҳасидаги бошқарув тажрибаларини ҳам бойитдилар. К. Канеко мазкур билим ва кўникмалар келгусида Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

# Изланувчан ёшларга муносиб таклифлар

*Бугун келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлод вакилларининг етук ва билимдон, салоҳиятли бўлиб камолга етиши учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Замонавий таълим масканларида истеъдодли ўғил-қизлар ўзлари қизиққан йўналиш ва мутахассислик бўйича билим олиш билан бирга, турли касб-ҳунар сирларини пухта ўрганмоқда.*

## Таълим

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтаётган “Таълим ва мавқега эришиш” саккизинчи халқаро кўргазмасида бунга яна бир бор амин бўлдик. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Фонд Форум”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазманинг бу йилги ишида юртимиз ва хориждаги 600 дан зиёд олий ўқув юртлари, 100 га яқин ўқув маркази қатнашди. Энг муҳими эса, шу кунга қадар экспозиция 30 минг нафардан зиёд ёшларга мутахассислик ва касб-ҳунар танлашда амалий кўмакчи бўлди.

Кўргазмада мамлакатимиз ва жаҳондаги энг нуфузли таълим даргоҳлари, ўқув марказлари ва бизнес мактаблар фаолияти билан яқиндан танишиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Президентимиз томонидан 2012 йил 13 ноябрда имзоланган Фармонга мувофиқ ташкил этилган Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг мақсад ва вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида қўмита томонидан товар ва молия бозорларини ўрганиш, рақобатга қарши ҳаракатларни аниқлаш ва бартараф этиш, тендер савдоларида ва тадбиркорлик субъектларининг биржа савдолари орқали юқори ликвидли маҳсулот сотиб олишида тенг шароитлар яратиш ҳамда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ва режалар ҳақида батафсил маълумот ҳамда атрофлича тушунтиришлар берилди.

**● “Тошкент — Самарқанд — Тошкент” йўналиши бўйлаб қатновларни амалга ошираётган “Afrosiyob” электропоезди янада юқори тезликда ҳаракатлана бошлади. Эндиликда йўловчилар ушбу транспорт воситасида ўз манзилларига икки ярим соат ўрнига, 2 соату 8 дақиқада етиб боришмоқда.**

● Урганч тиббиёт коллежида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда “Мустаҳкам оила — обод турмуш гарови” мавзуида семинар ўтказилди. Унда она ва бола саломатлиги, хотин-қизлар ва ёш оилаларни моддий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси билан машғул аёлларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш хусусида сўз борди.

**● Фарғона давлат университетида вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари, шаҳар ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ҳамда ташкил этиш бўлимлари мудирларининг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур тадбир битирувчилар учун ўзлари яшайдиган шаҳар ва туманлардаги таълим муассасаларидан иш ўринлари танлаб олиш имконини берди.**

● Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда “Саломатлик ҳафталиги” бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳудудий бўлимлари шифокорларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ҳамда ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Тадбиркорлик равнақи ва ҳуқуқий асос

*Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан равнақ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.*

## Ислоҳот

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу ҳақда тўхталар экан, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганининг амалий ифодасидир. Бу каби имтиёзлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

# Электр станциясининг қуввати оширилди

**2012 йилда “Навоий” иссиқлик электр станциясида 478 мегавольт қувватга эга буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши билан йилига қўшимча равишда**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2800 МИЛЛИОН**

**киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди.**

**Мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган йирик инвестиция объектларини барпо этиш чора-тадбирлари доирасида амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли “Навоий” ИЭСда кўп миқдорда шартли ёқилғи ва табиий газ тежалишига эришилиши, айниқса, қувонарлидир.**

## Жараён

*Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2012 йилда солиқ юкини камайтириш бўйича олиб борилган давлат сиёсати давом эттирилиб, кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани алоҳида таъкидланди.*

# Солиқ тизимидаги имтиёзлар

### халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга

Албатта, солиқ тўловчиларга берилаётган бундай имтиёз ва енгилликлар, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2013 йилда ҳам солиқ тизимини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, фойда солиғи ҳозирги кунга қадар 1992 йилдагига нисбатан 45 фоиздан 9 фоизга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи эса 60 фоиздан 22 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, мол-мулк, ягона ижтимоий тўлов ҳамда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича ҳам қатор енгилликлар жорий қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## «Наврўз — 2013»

*Ҳали қиш охирига етмай, Қўрғонтепа адирлари яшилликка буркана бошлади. Борлиқни офтоб тафти қиздиради. Бу ҳарорат боис ер уйғонади, ўт-ўланлар бош кўтаради. Ана шундай кезларда каттаю кичик табиат қучоғига, далага ошиқади.*

# Пок ният ва эзгу интилишлар айёми

Баҳорни ким ҳам соғинмайди дейсиз? У — гўзаллик, орзу-умидлар фасли. Атрофга боқинг. Борлиқ уйғонмоқда. Яшариш, янгиланиш фасли эшик қоқмоқда. Ҳадемай, бўртиб қолган куртаклар кўз очади. Тилла тангалардек ҳар тарафга сочилган момақаймоқлар, ариқ лабида бўй чўзган ялпизлар ифори, шўх шабаданинг майин шивири дилни энтиктиради. Улар биз кутган, қалбларга шодмонлик, сурур бағишловчи ардоқли айём — Наврўзи оламдан дарак беради.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида бу байрамни шундай таърифлайди: “Наврўз... баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ўсимлик униб бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади”.

Наврўз — кун билан тун тенглашадиган, гинаю кудуратлар унутилиб, инсонлар қалбида ёруғ умидлар пайдо бўладиган айём. Наврўз — миллий қадрият ва анъаналаримиз ёрқин акс этадиган энг қадимий ва севимли байрамимиздир. Маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган Наврўз яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йил дебочасидир.

(Давоми 4-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, | минг долл. | | |
| 1.1. | шу жумладан: миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони, | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

2068R/1314




**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/109



**O‘ZSANOATQURILISHBANK**

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

*томонидан стратегик инвесторларга таклиф*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:**

**«Samarqand Aqua Line» МЧЖ** — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**«Hazorasp Ta'mir Qurilish» МЧЖ** — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси.

**«Mega-Beton» МЧЖ** — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-«А» уй.

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
**Корхона манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

**Мурожаат учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**uzpsbinvest@gmail.com psbinvest@gmail.com**

2233А/1473


## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

***Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**1.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2011 йил 22 июлдаги 1128/0506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз, Наврўз кўчасида жойлашган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 60 288 300 сўм.***

**2.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 57 708 100 сўм.***

**3.** Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 251 375 657 сўм.***

**4.** Бўка тумани СИБ томонидан 2012 йил 28 июндаги 6736/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, «С. Саймақов» ф/у.да жойлашган «Дўстлик» номли болалар оромгоҳи.
***Бошланғич баҳоси — 732 640 000 сўм.***

**5.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 9 мартдаги 3883-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20-уйда жойлашган «Ўзбекистон» кинотеатри.
***Бошланғич баҳоси — 661 074 179 сўм 22 тийин.***

**6.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 79 469 630 сўм.***

**7.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 2 декабрдаги 12963-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Чамбил-2 кўчасида жойлашган бино-иншоотлар мажмуаси.
***Бошланғич баҳоси — 1 170 849 314 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 7 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

**8.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 29 майдаги 1-2714/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уйда жойлашган бино-иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

**9.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 10 июлдаги 1-2916-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 50-уйда жойлашган дўкон биноси.
***Бошланғич баҳоси — 21 883 000 сўм.***

**10.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 23 августдаги 1-2908-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Туркистон кўчасида жойлашган бино.
***Бошланғич баҳоси — 28 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулклар 2013 йил 22 мартдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 8 апрель куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Тел.: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.*

257А/121


## «ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга *қарашли*

SNP Shurtan Navoi Plast-PE

## «POLIETILEN QUVURLAR»
### ШЎЪБА КОРХОНАСИ





**Ҳозирги кунда корхона Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни халқимизга етказиб бермоқда.**

*Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.*

*Маҳсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизимидан фойдаланган ҳолда тайёрланади.*

*Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.*

*«POLIETILEN QUVURLAR» ШКси мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.*




**210609, O`zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo`rg`oni.**
**«Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.**
**Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz**

223R/



## ООО «MASTER STEEL»

***изготавливает оборудование для:***

производства молочных продуктов
производства пищевых продуктов и концентратов
сельского хозяйства
фармацевтических компаний
химической отрасли




**Тел.: (+99898) 127-14-06, (+99891) 134-88-07. Тел./факс (+99871) 262-58-83.**

124R/1404


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Факультетлараро герман тиллари кафедраси ўқитувчиси Муборак Ниғмоновага турмуш ўртоғи

**Равшан НИҒМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт клиникаси бош шифокори, доцент Гулираъно Усмоновага волидаи муҳтарамаси

**МУТАБАРХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Айни кунларда баҳорги юмушлар билан бирга, ушбу фаслда ўтадиган байрамлар тадоригини ҳам бошлаб юбордик, — дейди Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги “Қўрғонтепа” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Акрамжон Расулов. — Қишнинг сўнгги кунлари илиқ келганидан фойдаланиб, кўча четларига, мактаб ва боғчаларга, хонадонларга ранг-баранг гуллар, манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Тозалаш, ободонлаштириш ишларида бутун эл, каттаю кичик ҳамжиҳатлик билан иштирок этаётир. Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрами олдидан турли маданий-маърифий тадбирлар, ҳашарлар ўтказилмоқда.

## Пок ният ва эзгу интилишлар айёми

— Ҳар гал сумалак тайёрлаганда, халқимиз шу кунларга етказганига шукрлар бўлсин, дея аввало, эл-юртга омонлик, экин-тикинга барака тилайди, — дейди қўрғонтепалик Рухсора ая. — Худога шукр, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Эртанги кунидан хотиржам, бунёдкорлик туйғуси, тўй-томошалар орзуси билан яшаётган эл-юртимиз кўкламни шоду хуррамликда қарши олаётир.

Наврўз нафақат яшариш, гўзаллик фасли, балки она-табиат заминга ризқ-рўз улашадиган саховатли палла ҳамдир. Азалдан бободеҳқонларимиз Наврўзда кўкламги юмушларга киришган. Шу куни эзгу ниятлар билан ерга дон сепилиб, ниҳоллар экилган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, боғ-роғларга шакл берилган. Куз хирмони қандай бўлиши баҳорда билинади, деган гап бор. Зотан, заминимиз саховати, бободеҳқон меҳнатининг баракаси Наврўзнинг қандай келиши билан боғлиқ.

Бугун қалбларда баҳорга интиқлик, янгиланишдан умидворлик туйғуси ҳукмрон. Жойларда бошланган ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари билан эл-юртимиз Обод турмуш йили баҳорига қадам қўймоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.

Наврўзда бутун борлиқ, табиат янгиланади. Олам ҳам, одам ҳам покланади. Инсон руҳи яшаради. Ушбу байрам барчанинг кўнглига қувонч солади, одамзоднинг ҳаётга бўлган ишончини оширади.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Фармон ва ижро

*Халқимизда: “Бойликнинг боши — соғлиқ” деган нақл бор. Дарҳақиқат, кишининг тўрт мучаси саломат экан, эзгу умидлар билан яшайди, юрт равнақига камарбаста бўлади. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.*
*Бунинг натижасида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида туб янгиланишлар рўй берди. Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар самарасини бошқа ҳудудларда бўлганидек, Хоразм вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.*



# Замонавий, тезкор ва малакали

## тиббий хизмат аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим мезонидир

Президентимиз Ислом Каримов ўтган йилнинг 9 октябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида воҳада соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Таъкидлаш керакки, вилоятда бу борада аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони асосида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Ҳозир ҳудуддаги 203 та даволаш-профилактика муассасаси томонидан 1 миллион 615 минг нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатилаётир. Энг муҳими, кейинги йилларда ушбу шифо масканларининг аксарияти янгитдан қурилди ва сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Масалан, Урганч шаҳрида 160 ўринли Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ташкил этилиб, ҳар бир туманда унинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Марказ Ислом тараққиёт банки томонидан ажратилган 2,5 миллион, филиаллар эса Кувайт фондидан жалб этилган 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, вилоят туғуруқ мажмуаси таъмирдан чиқарилгач, замонавий тиббий ташхис ускуналари билан жиҳозланди. Ва у эндиликда Перинатал марказ сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Республика ихтисослаштирилган Урология марказининг Хоразм филиали ташкил этилиб, бу ерда беморлар учун янги сунъий буйрак аппарати қўлланилаётганлиги вилоятда жаҳон андозалари даражасидаги тиббий хизмат тизими шакллантирилганлигининг яққол тасдиғидир. 2011 йили мазкур марказда жарроҳлик бўлимининг янги биноси ҳам ишга туширилди.

Умуман, бугун кўплаб турдаги хасталикларни вилоятнинг ўзида даволаш имконияти яратилгани аҳоли учун кенг қулайликлар яратди. Бундан беш йил муқаддам Урганчда кўз микрохирургияси маркази фойдаланишга топширилган эди. Бугун юзлаб беморлар узоққа қатнаб овора бўлмай, шу ернинг ўзида малакали мутахассислар кўмагида шифо топмоқдалар. Кардиология маркази ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Ушбу шифо масканида сурункали юрак хасталикларини мураккаб жарроҳлик усулларида самарали даволаш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Хабарингиз бор, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этишга оид дастурда қишлоқ ҳудудларидаги бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини ўзгартириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ҳозирги кунга келиб, янги қурилган ва реконструкция қилинган 170 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҚВПлар “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” дастурлари доирасида 6 миллиард 110 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Муҳими, вилоятнинг нафақат марказий ҳудудлари, балки энг чекка қишлоқларида жойлашган тиббий муассасаларда ҳам даволаниш учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида 6 та туман тиббиёт бирлашмалари замонавий рентген ускуналари билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Инсон манфаатлари йўлидаги ушбу ислоҳотлар хусусида сўз борар экан, оналик ва болалик муҳофазаси, хусусан, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидламоқ жоиз. Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 1 миллион 330 минг АҚШ доллари эвазига вилоятдаги барча туғуруқхоналар 14 турдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва унинг туманлардаги бўлимлари Хитой Халқ Республикасининг 508 минг АҚШ долларилик гранти асосида зарур асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги она ва бола саломатлиги алоҳида назоратга олинганлигига яна бир далилдир. Айниқса, вилоят Перинатал маркази ҳамда замон талаби даражасида таъмирланган туғуруқ мажмуалари, вилоят Она ва бола скрининг марказидаги қулай шароит ва кенг имкониятлар соғлом авлодни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

> Бугунги кунда вилоятда 468 минг нафардан зиёд туғуруқ ёшидаги аёллар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчаси ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Шунингдек, 14 ёшгача бўлган 484 минг нафарга яқин болалар ҳам тиббий жиҳатдан текширилиб, уларда аниқланган хасталикларни бартараф этиш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Булардан кўзланган мақсад халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, юртимизнинг буюк истиқболини яратишдир. Зотан, халқимиз ўз орзу-умидларини, Ватанимиз келажагини соғлом фарзандлар камолида кўради.

**Кўпалбой ТАНГРИБЕРДИЕВ,**
**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

## «Дилкушо»да қизғин беллашув

*Бухоро шаҳридаги “Дилкушо” мажмуасида теннис бўйича вилоят очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда бухоролик спортчилардан ташқари, Навоий, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидан келган ракетка усталари ҳам иштирок этдилар.*

Спорт



Муросасиз кечган баҳсларда вилоят вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Хусусан, қизлар ўртасидаги беллашувлар финалида бухоролик Мафтуна Юнусова қашқадарёлик Мадина Ҳотамовага қарши кортга тушиб, ғалабага эришди. У мазкур муваффақияти эвазига Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мамлакат чемпионати йўлланмасига эга бўлди. Эркаклар ўртасидаги баҳслар финалига ҳам Бухоро ва Қашқадарё вакиллари йўл олишди. Унда қашқадарёлик иқтидорли теннисчи Алексей Намозов Азизбек Луқмоновдан устун келди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорлар вилоят теннис федерацияси томонидан тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

215R/138

Qishloq Qurilish Bank

*қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:*

*Миллий валютада*
«ТОНГ» *Муддати — 1 ой.*
«БАРҲАЁТ» *Муддати — 12 ой.*
«БАҲОР» *Муддати — 3 ой.*
«ОБОД ТУРМУШ» *Муддати — 24 ой.*

*Хорижий валютада*
«New» *Муддати — 1 — 3 ой.*

*Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:*
«Мадад» *Муддати — 1 йил.*
«Қурилишга бошланғич бадал» *1 йилдан кам бўлмаган муддатга.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | 371 | 150-76-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | 370 | 150-79-52 |
| 3. | Андижон вилояти минтақавий филиали | 374 | 222-23-72 |
| 4. | Фарғона вилояти минтақавий филиали | 373 | 229-70-91 |
| 5. | Наманган вилояти минтақавий филиали | 369 | 223-04-37 |
| 6. | Бухоро вилояти минтақавий филиали | 365 | 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд вилояти минтақавий филиали | 366 | 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё вилояти минтақавий филиали | 375 | 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё вилояти минтақавий филиали | 376 | 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали | 361 | 224-22-15 |
| 11. | Хоразм вилояти минтақавий филиали | 362 | 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё вилояти минтақавий филиали | 367 | 221-00-71 |
| 13. | Жиззах вилояти минтақавий филиали | 372 | 771-63-38 |
| 14. | Навоий вилояти минтақавий филиали | 436 | 770-27-97 |

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39.**
**www.qishloqqurilishbank.uz**

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

261R/121

*ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.*

Қурилиш-монтаж ташкилоти

*танлов асосида юқори малакали ходимларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга таклиф этади:*

- бош энергетик;
- муҳандис-электрик;
- муҳандис-технолог;
- техника хавфсизлиги (ТБ), саноат хавфсизлиги (ПБ), йўл ҳаракати хавфсизлиги (БДД) ва атроф-муҳит муҳофазаси (ООС) бўйича муҳандис;
- ҳужжатлар билан ишлаш бўйича мутахассис;
- диспетчер-алоқачи;
- махсус монтаж ишлари бўйича уста;
- гидротехник иншоотлар бўйича уста;
- субпудрат шартномалари бўйича мутахассис;
- мониторинг ва ҳисобот бўйича мутахассис;
- V-VI разрядли электргазпайвандчилар;
- V-VI разрядли газ билан кесувчилар (газорезчики);
- стропалчилар;
- изоляцияловчилар.

Меҳнат шароити — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вахта услубида ишлаш ва муносиб меҳнат ҳақи тўланади.

**Резюмени қуйидаги манзилга юбориш лозим: e-mail:office@ent-en.com**

Маълумот учун телефон: (+99890) 998-38-84.

238A/147

ТАРОЗИЛАР
0,0001 гр.дан 250 тоннагача
Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
CAS
Корпорацияси (Жанубий Корея)
МАССА-К
Акциядорлик жамияти



ИЖАРАГА
кран тарозилари бор
Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис
- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тўйтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.
www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
31R/770

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 29 мартдаги 1-1105/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лолазор 1-тор кўчаси, 52-уйда жойлашган, умумий ер майдони 350,0 кв.м., фойдаланиш майдони 229,40 кв.м. бўлган, 5 та яшаш хонаси, 2 та холл, даҳлиз, ошхона, 2 та ҳаммом, зинапоя, 2 та соябондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 179 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

253R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz

259R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5